

КИШЛОК ЖОШКОНТИ

1991 йил 14 август
ЧОРШАНБА
№ 156 (5.199).
БАҲОСИ 8 ТИНИН

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ҳафтада беш марта чоп этилади



ЁН ҚЎШВИЛАР—ЖОН ҚЎШНИЛАР

БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН, ТОЖИКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН
ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ КЕНГАШИ ОЧИЛАДИ

Бешта баҳайбат шоҳли ям-яшил чинор устида порлаб турган қуёш Ўрта Осиёдаги тўрт республика ва Қозоғистоннинг рамзидир. Минтақа республикалари Президентларининг 13 август кунин Ўзбекистон пойтахтида бошланган учрашувининг рамзий нишони ана шундай.

ТОШКЕНТДА халқаро музокаралар, анжуманлар, фестиваллар кўп марта ўтказилган. Ҳатто тинчлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка интилишни ифодалайдиган «Тошкент руҳи» ибораси ҳам пайдо бўлган.

Мана энди Ўзбекистон пойтахти Қозоғистон ССР, Қирғизистон Республикаси, Туркменистон ССР ва Тожикистон ССРнинг катта делегацияларини қабул қилмоқда. Улар Ўзбекистон ССР делегацияси билан биргаликда ўтган йили Олмаотада имзоланган ҳужжатлар қандай бажарилаётганини муҳокама қилмоқда. Шу вақт ичда минтақа республикалари ўртасидаги ҳамкорлик ўз таъриқининг янги босқичига ўтди. Республикалар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида бир қанча икки томонлама шартномалар тузилди, улар бир йил олдин бошланган жараённинг ҳақиқий давоми бўлди. Ўзбекистон бундай шартномаларни Қирғизистон ва Туркменистон билан тузиш, ҳозирги учрашувда шу шартномалар рашификация қилинганлиги ҳақидаги ёрлиқлар айирбаш қилмоқда.

Иқтисодий соҳасидаги ҳамкорлик муваффақиятли давом этмоқда. Ўрта Осиё минтақаси ва Қозоғистоннинг географик мавқеи ва ўзига хос хусусиятлари ўзaro манфаатли мустаҳкам ҳамкорлик тақозо этади. Ҳозирги пайтда халқ ҳўнажлигида Ўзбекистоннинг қўшни республикалар ва Қозоғистон билан амалий шериклик қилмаётган бирор тармоғини топиш қийин. Мана, бир неча мисол. Қўшни республикаларга пахта териш машиналари, трансформаторлар, «Средазэлектрорапарат» иш-

лаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотлари, бошқа ўнлаб корхоналарнинг маҳсулотлари юборилмоқда. Ўз навбатида Олмаотадаги «Средазэлектрострой» трести қурувчилари Ўзбекистонда барпо этилаётган иссиқлик электр станцияларида мураккаб монтаж ишларини бажардилар. Туркменистонлик гиламдўз усталар бу ноёб ҳўнарни Ўзбекистонликларга ўргатдилар. Тошкентдаги кўпгина корхоналарнинг дам олиш уйлари ва пансионатлари Қирғизистондаги ажойиб Иссиқкўл соҳилида жойлашган...

Фақат шунинг ўзи эмас. Аслида минтақада бир неча тармоқларда иқтисодий муносабатларнинг ягона тизими вужудга келди. Ўрта Осиё бирлашган энергия тизими, деярли барча қўшни республикаларга хизмат қилаётган Ўрта Осиё темир йўли ана шундай тизимлардандир.

Янги Иттифоқ шартномасини муҳокама қилиш беш Президентнинг музокараларида муҳим ўрин тутди. Шу йилнинг март ойида бўлиб ўтган Умумиттифоқ референдумида минтақадаги барча республикалар аҳолисининг мутлақ кўпчилиги, маълумки, аниқланган Иттифоқни сақлаб қолганини ёнлаган эди.

ТОШКЕНТ аэропорти байрамларгадасек безатилган. СССР Давлат байроғи, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон давлат байроқлари қилпираб турибди, ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик, рус тилларида эсинган таъриқ шiorлари илб қўйилган.

Мана, самолёт қўниш майдонига бўрилмоқда, унда Тожикистон ССР Президенти Қ. Маҳмадов бошчилиги-



даги республика делегацияси Тошкент учрашувига келди. Ўзбекистон пойтахтига изма-из Туркменистон ССР Президенти С. А. Ниязов бошчилик қилаётган Туркменистон делегацияси етиб келди. Орадан кўп вақт ўтмай, Қозоғистон делегацияси аъзолари тушган самолёт қўнади, бу делегацияга Қозоғистон ССР Президенти Н. А. Назарбаев бошчилик қилмоқда. Кенгашга Қирғизистон Республикасининг Президенти А. Акаев бошчилик Қирғизистон делегацияси ҳам етиб келди. Юқори мартабали меҳмонларни самолёт пиллапояси олдида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов, республика вице-президенти Ш. Р. Мирсайдов, республика Олий Кенга-

шисини Раис Ш. М. Нуралдиев, Ўзбекистон делегациясининг бошқа аъзолари таъриқлаб кўтиб оладилар. Миллий кийимдаги қизлар азиз меҳмонларга гуллар тақдим этадилар. Шундан сўнг автомобиллар кортежи Тошкент кенгаши қатнашчилари учун акратилган боргоҳга йўл олади.

Учрашувга Озарбайжон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Бош вазир Г. А. Гасанов бошчилигидаги Озарбайжон делегацияси ҳам келди.

Қозоғистон Президенти Н. А. Назарбаев аэропортда ўз ТАГА мухбирларининг саволларига жавоб қайтарди. Қозоғистон бошчилиги жумладан, Иттифоқ шартномасини имзоламоқчи бўлаётган республикаларнинг

шундан кейин нима бўлади деб ўйлайдиган пайтга келди, деб таъкидлади. Тузилмаларни тўдан ўзгартириш бошланадими, улар иқтисодиётини боши берк қўчадан чиқариб олишга қодирми? Булар ҳозирги пайтда энг муҳим масалалардир. Бироқ, ушбу ҳўжжати имзолашга саноқли кўнлар қолганига қарамай, мулний давлат ихтиёридан чиқариш ва хўсўйлаштириш каби ўткир муаммо шу вақтгача ҳал қилинган эмас.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ҳўзир дотация оладиган республикалар бўлиб қолди. Ленин бу минтақадаги одамлар ишлашни билмайдиган деган гап эмас. Муаммо бошқа жиҳатда — уларнинг иқтисодиёти хом ашё етишти-



ришга йўналтирилганлиги. Келинг, бу муаммага бошқа томондан назар солайлик. Минтақа республикалари пахта хом ашёсининг деярли ҳаммасини, фосфорнинг тўқсон беш фоиздан кўпрогини, хром рудасининг тўқсон фоизини, рағлиқ металллар ва жўннинг эллик фоизини етиштиришни ва ишлаб чиқаради. Ушбу ресурсларга қарамай, мамлакат саноат ишлаб чиқаришида минтақанинг улўли атиги 8 фоизни ташкил этади. Турмуш даражаси-чи? Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда турмуш даражаси мамлакатларидан икки баравар пастдир. Минтақа иқтисодиётининг хом ашё етиштиришга қаратилганлигига хотима берадиган пайт кел-

ди. Хўшларнинг қашитрон яшашига имкон берадиган есиёсати ишлаб чиқиш керак. Яқин қўшниларимиз билан мустаҳкам боғланмай туриб бунга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг иқтисодий ривожланишини мувофиқлаштириб турадиган доимий ишлайдиган республикалараро комитет тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Нарх белгилан, молиявий барқарорлик масалалари шу комитетнинг вазифасига кирди. Тошкент учрашувидан шундай иқтисодий ишларнинг тафсилотларини муҳокама қилмоқчимиз.


Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов журналистлар билан суҳбатда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон Президентларининг Тошкентдаги бўлажак музокаралари ва учрашувининг ўзига баҳо бериб, учрашувнинг асосий мақсади Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарлари ўртасида ҳаракат дастурини ишлаб чиқишдан иборатлигини таъкидлади. Чўнки, бозор муносабатларига ўтиш бутун минтақани оғир аҳволга солиб қўйди. Минтақа аҳоли турмушининг даражаси, ишлаб чиқарувчи кўчаларнинг ривожланиши жиҳатидан иқтисодиётни тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган бошқа республикалар олдида жўда қийин, потент аҳволга тушиб қолди. Бешта республиканинг муаммолари жўда ўхшашдир, шу сабабли уларни биргаликда кўч-райрат сарфлаб ҳал қилиш керак. Минтақа халқларини озиқ-овқат, шу жумладан дон билан таъминлаш биринчи навбатдаги вазифалардандир. Лекин бу муаммолар марказда тез ҳал этилмайпти. Иттифоқ идора-

ларининг сустқалиги ҳам, мавжуд зиддиятлар ҳам бунга сабаб бўлмоқда. Шўнинг учун ҳам беш республика раҳбарлари ана шу масалаларни ҳал этиш учун Ўзбекистон пойтахтида тўпландилар.

Яна бир муҳим жиҳати. Минтақа халқларининг кўп асрлик тарихи давомида тил, анъаналар муштараклиги таркиб топди. Уларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш зарур. Бўнинг устига ҳўзирги мавжуд муаммолар ҳам ўхшашдир. Тез орада мустақил Совет республикаларининг шартномасини имзолашимиз лозим бўлади. У қандай қийин шароитларда тайёрланганлиги маълум. Ўзаро келишишга, ёнбосишга тўғри келди, албатта. Лекин энг муҳими шунданки, шартнома ҳар бир республиканинг суверенитетини таъминлайди, унинг ҳўқуқий мақомига кафолат беради. Шу бонсдан биз Тошкент учрашувидан Иттифоқ шартномасини имзолашдан олдин умумий муносабатни ишлаб чиқишимиз лозим. Аслида бундай муносабат ҳўзирнинг ўзидаёқ вужудга келди. Унинг баъзи жиҳатларига қолди, улар ҳам ҳал этилади, деб умид қиламан.

Шу кўни юқори лавозимли меҳмонлар шарофига В. И. Ленин номи Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон санъат усталари концерт қўйиб бердилар.

Л. ЛЕВИН,
В. ПРУТЕР,
ЎзТАГ мухбирлари.



Ҳиндистон республикасининг Президенти Рамасвами Венкатараман жаноби олийларига

Жаноби олийларил!
Буюк Ҳиндистоннинг миллий байрами — мустақиллик кўни муносабати билан Сизга Ўзбекистон халқи номидан ва шахсан ўз номимдан самимий қўтловлар йўллайман.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида қадим асрларда бошланган анъанавий дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик иккала халқимиз манфаатлари йўлида бундан бўён ҳам мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверади, деб ишонч билдиришга ижозат этгайсиз.

Масъулиятли фаолиятингизда сизга муваффақият, Ҳиндистон халқига аса — тинчлик, равақ ва омон-эсонлик тилайман.

Эҳтиром билан
Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти.

Навбатдаги мажлис

Яқинда КПСС Марказий Комитети Котибиятининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда миллионлаб кишиларнинг ҳаётини таъминлаш, уларнинг энг муҳим эhtiёжларини қондириш кўп жиҳатдан боғлиқ соҳалардаги ишларнинг аҳоли муҳокама қилинди.

Шўлардан бири — куз-қиш даврида шаҳар ва кишлоқларни иссиқлик ҳамда электр энергияси билан таъминлашдир. Афсўски, ҳўзирнинг ўзидеёқ СССР Ягона энергетика тизимини бўлиб юборишга уринишлар кўзга ташланмоқда. Бир қанча жойларда энергия билан таъминлаш ўзбoшмича-

лик билан тўхтатиб қўйилляпти. Саноатда, қурилиш ва транспортда электр ва иссиқлик энергиясидан тежаб-тергаб сарфлаш масалаларига эътибор қарамаямқда.

Ҳўш, партия комитетлари ва таъшилотлари бу соҳада нима қила оладилар? Муҳокама чоғида айтилган фикрлар ва таклифларни ҳисобга олиб, шу масала юзасидан СССР Олий Кенгашига, СССР Вазирлар Маҳкамасига, шўнингдек, маҳаллий партия комитетларига бу муҳим тармоқдаги аҳолини барқарорлаштиришга, халқ ҳўжалиги ва аҳолини иссиқлик

ҳамда электр энергияси билан ўзлуксиз таъминлашга қаратилган таклифлар билан мурожаат этишга қарор қилинди.

Кишлоқ ҳўжалиги билан мамлакат иқтисодиётининг бошқа тармоқлари ўртасида нарх-навода тенглик сиёсатини таъминлаш ҳам ўткир масаладир. Кишлоқ ҳўжалиги ва саноат маҳсулотлари ўртасидаги нархлар тенглигининг бузилиши дефляциянинг иқтисодий таъназул кўчаишнинг, умуман қишлоқда иқтисодий-сиёсий вазит ёлқошганлигининг асосий сабабларидан биридир. Ҳўзир кишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштирувчиларга кон-

ЎЗБЕКИСТОН—ПОКИСТОН: АМАЛИЙ АЛОҚАЛАР

Тошкентда Покистон Ислам Жўмҳуриятининг 44 йиллигига бағишланган тантанали йиллиги бўлди. Унда Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги ўзаро муносабатларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида гапирилди.


«Тошкент ишбилармонлар учрашувини» ва бундан бир йил илгари тузилган «Ўзбекистон-Покистон» жўмҳурият жамияти делегациясининг Покистонга сафаридан сўнг икки жўмҳуриятнинг алоқалари янада мустаҳкамланганлиги таъкидланди. Ушбу сафар чоғида жўмҳуриятлар ва аниқ корхоналар ўртасидаги амалий ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

«Ўзбекистон-Покистон» Ўзбекистон жамияти делегация-



ДЕҲҚОН ОРОМГОҲИ

У. САИДОВ.



Сиз суратда кўриб турган Зирахол Азимова ва Қандим Усмонова колхоз сўт-товар фермасида ўзaro мусобақалашиб меҳнат қилишмоқда. Уларнинг ҳар бири 50 бошдан бузоқни парвариш қилиб, кунига 500—600 граммдан семиртишга эришяптилар. Улар ҳамкасбларига ҳар жиҳатдан намуна бўлишатиёр. Мусобақадошлар 1991 йилни яхши якунлаш учун барча низоиятларни

А. ТУРДИЕВ

1911

СУРАТДА: боғбонлар Ж. Зубайдуллаев ва М. Жўраев олма ҳосилини кўздан кечиришяпти.

